

ИЛМИЙ-АХБОРИЙ ЖАНРЛАР ТАДҚИҚИ

Гулматова Маҳлиё Расулжон қизи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8167199>

Аннотация: Мазкур мақолада илмий услубнинг илмий-ахборий типига мансуб бўлган аннотация ва резюме жанри ҳақида фикр юритилган. Илмий-ахборий жанрларнинг жанр сифатида фанда тутган ўрни, шунингдек, лингвистик хусусиятлари ҳақида изланиш олиб борилган.

Калит сўз: илмий услуб, жанр, аннотация, резюме.

Маълумки, илмий асарларнинг бошланишидан аввал асар ҳақида қисқа маълумот берилади. Бу илмий-ахборий типга мансуб жанрлар яъни аннотация, резюме каби жанрлар билан ифодаланади. Илмий услуб жанрлари тор доира учун мўлжалланган бўлади. Қуйида ушбу жанрларга хос хусусият тадқиқ этилган.

Аннотация – (лотинча annatasio – хабар, маълумот сўзидан) қисқа қайдлар, бирор асарнинг мазмуни билан таништирувчи қисқа маълумот¹. Аннотация жанри илмий услубнинг илмий-хабар типига мансубдир. “Аннотация илмий умумлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Аннотация ўзига хос мазмун, прагматик созламага ва асосий матнга нисбатан юқори даражадаги автосемантикага эга”.² Аннотация мақола, монография, курс иши каби илмий жанрларнинг асосий матни олдида берилади. “Аннотация – китоб, мақола, жумладан, диссертациянинг мазмуни, аҳамияти ҳақида қисқача маълумот, қисқача изоҳ. Аннотацияда китоб, мақола, қўлёзманинг мундарижаси, ғоявий-сиёсий йўналиши ва бошқа жиҳатлари очиқ берилади. Аннотацияни китобнинг ўзида, библиографик кўрсаткичларда ва кутубхона каталогларида учратиш мумкин”.³ Асосий матн ҳақида қисқача маълумот, илмий янгилик айтилади. Аннотациянинг аниқ ва тушунарли ёзилиши жуда муҳимдир. Сабаби, илмий матннинг асосий мазмунини қисқса яъни, икки ёки уч гапдан иборат матнда ифодалаб бериш зарур. Шунда, илмий мақола асосий матнининг муваффақиятли бўлиши таъминланади. Аннотация билан танишиб чиқиш орқали бутун илмий иш ҳақида умумий тасаввур

¹ Хатамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1979. – 31-б.

² Стилистический энциклопедический словарь русского языка [электронный ресурс] / под ред. М.Н. Кожинной; члены редколлегии: Е. А. Баженова, М.П. Котюрова, А.П. Сковородников. – 2-е изд., стереотип. — М.: Флинта:Наука, 2011. — с.60.

³ Uluqov N. Magistrlik dissertatsiyasi. Uslubiy qo'llanma. Toshkent – 2021, - 40-b.



ҳосил қилиш мумкин. ОАК тан олган барча илмий журналларда аннотация бўлиши муҳим жиҳатлардан биридир. Шунингдек, аннотация икки ёки уч тилда берилади. Масалан, ўзбек тилида ёзилган мақола учун дастлаб ўзбек тилида, кейин инглиз ва рус тилларида аннотация кўрсатилиши керак.

Ҳозирда аннотация ноанъанавий тарзда илмий иш матнидан аввал бир тилда берилиши ҳам мумкин. Шунингдек, бир қатор журнал ва конференцияларда аннотация ёзилмайди. Аннотациянинг берилиши ёхуд берилмаслиги илмий журнал ва конференцияларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда тайёрланмоқда. Аннотацияга қўшимча таянч сўз ва иборалар ёки калит сўзлар келтирилади. Маълумки, калит сўзлар илмий матнда қўлланган энг асосий терминлар саналади. Аннотациянинг жаҳон тилларида берилишидан мақсад, ёзилган илмий мақоладан интернет фойдаланувчиси калит сўзларни киритиш орқали танишиб, ўзига керакли ҳаволани олиши мумкин.

Аннотация курс иши, монография, илмий рисола, дарслик, ўқув қўлланма, мақола каби жанрларда кўп қўлланилади. Ушбу жанрларда берилган аннотациялар бир хил тарзда бўлмайди. Масалан, М.Т.Ирискулов “Тилшуносликка кириш”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 294 бетдан иборат дарслиги учун қуйидагича аннотация келтирган: *“Дарсликда тил ва унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни, тилнинг барча эгаллаган билимларимизнинг асоси эканлиги ва у орқали тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз, хуллас, унинг барча хусусиятлари, аҳамияти ҳамда бошқа жиҳатлар ҳақида сўз боради. Китоб филология факултети талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган”*. Мазкур аннотация дарсликнинг нима ҳақида эканлиги тўғрисида уюшган тўлдирувчилар орқали қисқа малумот берган, шунингдек, фойдаланувчилар тоифасини ҳам кўрсатиб ўтилганлиги ишнинг прагматик мақсадини кўрсатган. Қуйида монография аннотацияси таҳлилини амалга оширамиз.

“Маълумки, дунё тилшунослиги, хусусан, ўзбек тилшунослигида асосан феъл валентлиги чуқур ишланган ва бу борада кўплаб изчил тадқиқотлар яратилган. Аммо феълдан бошқа сўз туркумларининг валентлигини текшириш кун тартибидаги энг долзарб масаладир. Шунга кўра муаллифлар ушбу тадқиқотда ўзбек тилидаги сўз валентликларини ўрганишни мақсад қилганлар. Монография гарчи ўзбек тилидаги сўз валентликларини тадқиқ қилишга бағишланган бўлса-да, унда дунё тилшунослигида валентлик назариясининг тараққиёти масалалари ҳам



қўриб чиқилган, зеро бу маълумотлар валентлик бўйича изланиш олиб боровчилар учун жуда зарур. Монографияда *от, сифат, сон, олмош, равиш, ёрдамчи сўзлар валентлиги хақидаги дастлабки маълумотлар илмий жамоатчиликка биринчи бор такдим этилмокда. Монография тилшунослик илмига кизикувчилар ва изланувчиларга мўлжалланган*". Ушбу аннотация матни Миртожиев М., Муҳаммедова С. "Ўзбек тилида сўз валентликлари". Тошкент – 2011 монографиясидан олинган. Аннотацияда тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади, илмий янгилиги, кимлар учун мўлжалланганлиги тўғрисида аниқ маълумот келтирилган. Ўқув қўлланмаларда келтирилган аннотациялар ҳам шундай мазмунга эга бўлиши керак. Демак, аннотация қуйидаги тамойиллар асосида бўлиши керак:

- 1. Тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- 2. Кимларга мўлжалланганлиги;
- 3. Тадқиқотнинг нима ҳақида эканлиги.

Юқоридаги жиҳатлар аннотацияда мавжуд бўлиши зарур. Аннотациянинг тузилиши кириш, муаммонинг долзарблиги, асосий қисм, муаммога ечим тарзида бўлади. Қўшимча фикрлар ҳам муалиф ихтиёри билан қисқа тарзда берилиши мумкин.

Резюме – француз тилида "хулоса" деган маънони англатади. Ёзилган айтилган ёки ўқилган нарсани қисқача акс эттириш, қисқа хулоса, бирор илмий ишнинг якуний хулосаси. Ушбу илмий жанр тури жуда қисқа икки ёки уч гапдан иборат бўлади. Резюме илмий ишнинг хулосаси ҳақида ахборот бериш учун ёзилади. Бунда муаллиф (асосан илмий мақолалардан кейин) мавзунини тадқиқ қилиб бўлгач, қисқа хулосани акс эттиради. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналинда берилган ҳар бир мақоланинг сўнггида резюме ифодаланади. Масалан, Д. Лутфуллаева "Расмий иш хужжатлари матнида прагматик мақсаднинг ифодаланиши" номли мақоласига қуйидаги резюме ўзбек, инглиз, рус тилларида берилган: "Ушбу мақолада ўзбек тили расмий услуб маинларини прагматик аспектда тадқиқ этишнинг илмий-назарий аҳамияти, долзарб муаммолари баён қилинди. Прагматик ёндашув тил эгасининг шахс хусусиятлари, мақсади, истак-хоҳиши, ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаши кабиларнинг расмий нутқда намоён бўлиши, расмий муносабатларнинг нутқ вазияти ва коммуникатив стратегия, миллий-маданий этикет билан боғланиши каби муаммолар ечимига хизмат қилиши асосланди. Шунингдек, ўзбек тили расмий иш хужжатларида прагматик мақсаднинг ифодаланиши масаласи ёритилди."



Мазкур резюмеда муаллифнинг олиб борган тадқиқоти ҳақида қисқсча илмий хулосаси келтирган.

Шу ўринда резюме ва аннотациянинг фарқли ва ўхшаш жиҳалари ҳақида тўхталиш лозим. Аннотация қисқа илмий ахборот бўлса, резюме қисқа илмий хулоса. М.Н. Кожина резюмени илмий услубнинг ахборий-рефератив (информационно-реферативный) тури сифатида кўрсатади.⁴ Умуман олганда, аннотация ҳам резюме ҳам асосий тадқиқот ҳақида маълумот беради. Аннотация – ишнинг қандай мавзудалиги, илмий янгилиги ҳақида, резюме – олиб борилган тадқиқотнинг асосий хулосаси ҳақида бўлади. Бу жанрларнинг асосий фарқларидан бири аннотация асосий матннинг бошида, резюме охирида берилади. Илмий тадқиқотчилар баъзида ушбу икки илмий услуб жанрини аралаш ҳолда қўллайдилар. Бу эса илмий услуб жанрларини яхши ўзлаштириш кераклигини англатади.

Илмий услуб жанри бўлган резюмени расмий услубдаги резюме билан адаштирмаслик зарур. Резюме – расмий услубнинг маъмурий ҳужжатлар тип (подстил)ига мансуб, ёзма кўринишдаги, ахборот берувчи жанрларидан биридир. Резюме (ўз-ўзини тавсифлаш) – бу ишга кириш учун тузилган ҳужжат бўлиб, унинг мақсади бўш ўринга номзоднинг маълумоти ва меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларини тақдим этишдир. Резюмени тузишнинг асосий тамойиллари барча ижобий жиҳатларни таъкидлаш ва салбий камчиликларни иложи борица кўринмас ҳолга келтиришдир. Яхши ёзилган резюме – бу уни тақдим этувчининг қандайлигини ва нима учун бошқалардан яхшироқ эканлигини кўрсатиш учун мулжалланган реклама рисоласидир.⁵ Дарҳақиқат, резюмеда маълум бир шахснинг шахсий, таълим, меҳнат тажрибаси, ўқув курслари, қобилиятлари, қизиқишлари ҳақидаги аниқ ва лўнда маълумотлар акс этган бўлади. Шунингдек, электрон почта, телефон рақам ҳам боғланиш учун берилади. Кўриниб турибдики, расмий услуб жанри резюме расмий иш ҳужжати вазифасини ўтайди. Илмий услуб жанри резюме эса илмий ахборот бериш учун хизмат қилади.

⁴ Стилистический энциклопедический словарь русского языка [электронный ресурс] / под ред. М.Н. Кожин; члены редколлегии: Е. А. Баженова, М.П. Котюрова, А.П. Сковородников. – 2-е изд., стереотип. — М.: Флинта:Наука, 2011. — 57 с.

⁵ Стилистический энциклопедический словарь русского языка [электронный ресурс] / под ред. М.Н. Кожин; члены редколлегии: Е. А. Баженова, М.П. Котюрова, А.П. Сковородников. – 2-е изд., стереотип. — М.: Флинта:Наука, 2011. — 71-77 с.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. — М.,1963. –с. 5-93.
2. Гайда С. Актуальные задачи стилистики // Актуальные проблемы стилистики.М.,2015.№1.
3. Демидова А. К. Пособие по русскому языку. Научный стил речи. – М.: Рус.яз., 1991. – 201 с.
4. Ж. Остин Слово как действие. // НЗЛ. Вып. XVII. – М., 1986. С. 83-91.
5. Uluqov N. Magistrlik dissertatsiyasi. Uslubiy qo'llanma. Toshkent – 2021, - 40-b.
6. Стилистический энциклопедический словарь русского языка [электронный ресурс] / под ред. М.Н. Кожинной; члены редколлегии: Е. А. Баженова, М.П. Котюрова, А.П. Сковородников. – 2-е изд., стереотип. — М.: Флинта:Наука, 2011. — с.60, с.57, с.71-77.
7. Хатамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1979. – 31-б.

